**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ**

# ҚАРОРИ

**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ**

# ҚАРАРЫ

**Нукус шаҳри** | **Нөкис қаласы**

№ 187 «13» Март 2018 й.ж

**"2018 йил январь-февраль ойларида товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмларини ошириш ишлар ҳолати, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, мавжуд заҳираларни аниқлаш ва тўлиқ ишга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2018 йил 27 февраль куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор мажлиси баёни ҳақида**

2018 йил январь-февраль ойларида товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмларини ошириш ишлар ҳолати, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, мавжуд заҳираларни аниқлаш ва тўлиқ ишга солиш чора-тадбирларига бағишлаб, кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор мажлиси Баёни тўғрисида бажариш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **қарор қилади:**

1. "2018 йил январь-февраль ойларида товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмларини ошириш ишлар ҳолати, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, мавжуд заҳираларни аниқлаш ва тўлиқ ишга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2018 йил 27 февраль куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор мажлиси баёни қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2018 йил 27 февраль куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор мажлиси баёни қарори билан:

а) Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов **бир хафта муддатда** ўзи раҳбарлигида ва Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари Э.Таджиев раҳбар ўринбосари бўлган, Иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ўрганиш ва уни кенгайтириш бўйича Ишчи гуруҳини ташкил этилиши.

Ушбу Ишчи гуруҳи экспортни ташкил этиш ва мониторинг қилишга масъул бўлиши, ҳудудларда эса экспорт масалалари билан **шахсан вилоят ҳокимлари ва вилоят прокурорларининг 1-ўринбосарлари** шуғулланиши белгиланганлиги;

б) Экспортни ташкил этиш бўйича Ишчи гурух (Таджиев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари, вилоят прокурорларининг биринчи ўринбосарлари **кунига икки соат экспорт** масаласи бўйича шуғуллансин, шунингдек жойларда экспорт ҳажмини ошириш учун маҳсулот экспорт қилувчиларга реал ёрдам кўрсатиш, уларга **"яшил йўлак"** қилиб бериш бўйича ишларни тизимли равишда ташкил этилиши:

в) Бош вазир ўринбосари – Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари раҳбарлари, вазирлар ва тармоқлар раҳбарлари ҳам экспорт ва импорт масалалари бўйича Ишчи гурухлари учун белгиланган тартибда ўзларининг тизимлари бўйича ишларни ташкил этишни таъминлаш топширилганлиги;

г) Экспортни ташкил этиш бўйича Ишчи гурух (Таджиев). Импортни оптималлаштириш бўйича Ишчи гурух (Мавлонов) **экспорт ва импорт бўйича амалга оширилаётган ишларни хафтада 2 марта** Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов ва Бош прокурор О.Муродов ҳузурида тегишли идоралар, хўжалик бирлашмалари ва худудлар раҳбарлари иштирокида **мухокама қилиб бориш** топширилганлиги;

д) Савдо-саноат палатаси (Икрамов) экспортни ошириш ва импортни қисқартириш бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан жойларга чиққан ҳолда учрашиб, тушунтириш ишларини олиб бориш режасини **бир хафта муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига тақдим этиши;

е) "Ўзқурилишматериаллари" АЖ (Зарипов) **бир хафта муддатда** қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича аник таклифларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига киритиши;

ж) Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Ташқи савдо вазирлиги (Ходжаев). Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **бир хафта муддатда** тармоқлар ва ҳудудларда экспорт ҳажмини ошириш бўйича қўшимча резервларни аниқласин ва Вазирлар Маҳкамасига аник таклифлар киритиши;

з) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **икки хафта муддатда** экспорт режасини ҳар бир корхона, шу жумладан янги ишга тушириладиган қувватлар бўйича ойма-ой бажариш юзасидан **"йўл хариталари"**ни ишлаб, тасдиқланиши;

Бунда 2018 йилга тасдиқланган инвестиция лойиҳалари доирасида назарда тутилган янги ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан олдин ишга тушириш ва лойиҳа қувватига чиқиш, янги бозорларни эгаллаш ва хорижий харидорлар билан шартномалар тузиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши;

и) "Ўзтўкимачиликсаноати" уюшмаси (Ҳайдаров) тизим таркибидаги ип-калава ишлаб чиқарувчи ташкилотларни тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга тўлик ўтказилиши юзасидан **икки ой муддатида** таклиф тайёрлаб, Вазирлар Маҳкамасига киритиши;

й) Бош прокуратура (Таджиев), "Ўзтўкимачиликсаноати" уюшмаси (Ҳайдаров) билан биргаликда жойига чиққан ҳолда, тўкимачилик маҳсулотлари

ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг экспортни амалга оширишда юзага келаётган муаммоларни ўрганиб, **икки хафта муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот ва таклифларни киритиши;

к) Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов, мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда **3 кун муддатда** "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ ҳамда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК экспорт режасини бандма-банд қайта кўриб чиқиши, тегишли ўзгартириш киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиши ва ижросини **шахсан назоратга олиши**;

л) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари **ўн кун муддатда**:

ҳудудий экспорт ҳажмини камида 30 фоизга ошириш ва вилоятга кириб келаётган импортни йил давомида 30 фоизга оптималлаштириш бўйича алоҳида **2 та қарор қабул қилиниши ва ижросини кундалик назоратга олиши**.

ҳар бир экспортёр корхона юзасидан унинг экспорт салоҳиятини ошириш, мавжуд муаммоларини бартараф этиш ва қўшимча экспорт захираларини аниқлаш бўйича "Йўл харитаси" тузилиши таъминланиб, уларнинг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатиши;

м) Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, вазирликлар, идоралар ва компаниялар раҳбарлари **икки хафта муддатда** экспорт ҳажмини **30 фоизга ошириши,** импорт хажмини эса камида **30 фоизга оптималлаштириш юзасидан** ҳар бир комплекс кесимида **"йўл харита"**ларини ишлаб чиқилиши ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Ариповга киритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов **"йўл харита"**лари ижросини шахсан назоратга олиши;

н) Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича прогноз кўрсаткичларига эришиш учун Бош вазир ўринбосари (Отажонов, Мирзаев) "Ўзбекозиковкатхолдинг" ХК (Жалилов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари **шахсан жавобгар эканликлари қатъий белгилаб қўйилганлиги**;

о) Бош вазир ўринбосари Н.Отажонов, Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари Э.Таджиев, Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент бошлиғи А.Мавлонов **жорий йилнинг 28 февралдан бошлаб**, график асосида ҳар бир вилоятга бориб, жойлардаги хақиқий ахволни ўрганиб, тадбиркорлар билан учрашиб, экспортни ошириш ва импортни камайтириш бўйича **"йўл харита"**ларни ишлаб чиқсин, туман ва тадбиркор кесимида ижросини ташкил этиши ҳамда назоратга олиши;

п) Экспортни ташкил этиш бўйича Ишчи гурух (Таджиев), Импортни оптималлаштириш бўйича Ишчи гурух (Мавлонов) ҳудудларда ўтган йилда 2018 йил ҳосили учун экилган ҳосили учун экилган август пиёзи, саримсокпиёз, туксонбости экинлар ҳосилини ўз вақтида ва тўлиқ йиғиб олиш, уларни экспорт қилиш ишларини алоҳида назортга олиниши;

р) Бош вазир ўринбосари З.Мирзаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ва туманлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари билан биргаликда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган ҳудудларнинг салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш, жорий йилда пахта ва ғалладан бўшатилаётган қўшимча **150 минг** гектар ер майдонлари, шунингдек мавжуд **боғ ва токзорлар орасидаги ер майдонларига** сердаромад экспортбоп экинлар экишни таъминлаши;

с) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ижро этувчи аппарати раҳбарининг ўринбосари Г.Саидова, Бош вазир ўринбосарлари З.Мирзаев ва Н.Отажонов бошқа мутасадди раҳбарлар **икки хафта муддатда** республиканинг ҳар бир вилоятда камида биттадан мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспорти билан шуғулланадиган **"мева-сабзавот кластерлари"**ни ташкил этиш бўйича асосланган таклиф киритишлари;

т) Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилотлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Давлат божхона қўмитаси (Азимов), **15 кун муддатда** жойлардан тегишли раҳбарлари ва тадбиркорларни олиб келиб, Зангиота туманида ташкил этилган логистика марказини кўрсатган ҳолда, **жорий йилда** барча ҳудудларда давлат-хусусий шериклик тамойили асосида замонавий, йирик логистика марказлари барпо этиш бўйича аниқ **"йўл хариталари"**ни тасдиқлаши ва ижросини таъминлаши;

у) Ташқи савдо вазирлиги (Ходжаев), Ахборот технологиялар ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги (Ахмедходжаев) Лойиҳа бошқарувчи миллий агентлиги (Садиков) билан биргаликда **уч ой муддатда** маҳаллий маҳсулотлар экспортига кўмаклашувчи электрон савдо майдончасини ташкил қилиниши;

ф) Ҳисоб палатаси (Икрамов), Марказий банк (Нурмуротов) ва Молия вазирлиги (Кўчкоров) **икки хафта муддатда** банкларда асоссиз равишда юқори комиссия белгилаш ҳолатларини чуқур ўрганиб чиқиб, асослантирилган таклиф киритсин;

х) Ташқи савдо вазирлиги (Ходжаев), Ахборот технологиялар ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги (Ахмедходжаев) **икки ой муддатда** республикада фаолият юритаётган ҳар бир ишлаб-чиқарувчи-экспортёр корхонлар тўғрисидаги электрон ахборотлар базасини шакллантириш ва уни доимий янгилаб боришини таъминлаш чораларини кўриши;

ч) Бош вазир ўринбосари С.Холмуродов, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (Абдиҳакимов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари ҳамда мутасадди раҳбарлар туризм

соҳасини ривожлантиришга **шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилиши**;

ш) Маданият вазирлиги (Сайфуллаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (Абдихакимов) билан биргаликда **бир ой муддатда** туристлар борадиган барча объектларга турникет орқали ва тўлов асосида кириш тизимини жорий қилиниши;

э) "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК (Ҳакимов) хориждан туристларни кенг жалб қилиш мақсадида бир ой муддатда авиакомпания хизматлари нархини арзонлаштириш бўйича чоралар кўриши ва натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиши;

ю) Ушбу баён бандлари ва уларга мувофиқ қабул қилинган ҳужжатлар ижроси юзасидан вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари **ҳар ойнинг 8 санасигача** Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига батафсил ахборот киритиб бориши топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикасида экспорт ҳажмини кўпайтириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, экспортни ташкил этиш ва амалга ошириш борасидаги фаолиятни доимий мониторинг қилиш, тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш, мавжуд муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш бўйича Ишчи гуруҳ таркиби **1-иловага** мувофиқ ва Ишчи гуруҳ аъзоларини Нукус шаҳри ва туманлари ҳокимликларига бириктирлиши **1а-иловага** мувофиқ:

Қорақалпоғистон Республикасида экспорт ҳажмини кўпайтириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, экспортни ташкил этиш ва амалга ошириш борасидаги фаолиятни доимий мониторинг қилиш, тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш, мавжуд муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш бўйича Ишчи гуруҳ таркибининг жойларда учрашув ўтказиш графиги **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Экспортни ташкил этиш бўйича Ишчи гуруҳ (Ережепов), Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимлари, Нукус шаҳар ва туманлар прокурорларининг биринчи ўринбосарлари **кунига икки соат экспорт** масаласи бўйича шуғуллансин, шунингдек жойларда экспорт ҳажмини ошириш учун маҳсулот экспорт қилувчиларга реал ёрдам кўрсатиш, уларга "яшил йўлак" қилиб бериш бўйича ишларни тизимли равишда ташкил этсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари (Тажетдинов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (Хожаметов, Хабибуллаев), Иктисодиёт вазирлиги (Қаипбергенов), Ташқи савдо вазирлиги Қорақалпоғистон Республикасидаги вакили (Жоллибеков), Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимиклари **бир ҳафта муддатда** тармоқлар ва ҳудудларда экспорт ҳажмини ошириш бўйича қўшимча резервларни аниқласин ва Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритилишини таъминласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Қаипбергенов), Ташқи савдо вазирлиги Қорақалпоғистон Республикасидаги вакили (Жоллибеков) **икки ҳафта муддатда** экспорт режасини ҳар бир корхона, шу жумладан янги ишга тушириладиган қувватлар бўйича **ойма-ой** бажариш юзасидан **"йўл хариталари"**ни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига тақдим этсин;

Бунда 2018 йилга тасдиқланган инвестиция лойиҳалари доирасида назарда тутилган янги ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан олдин ишга тушириш ва лойиҳа қувватига чиқиш, янги бозорларни эгаллаш ва хорижий харидорлар билан шартномалар тузиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Қаипбергенов), Инвестиция бўйича қўмитаси (Садиков) ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Қорақалпоғистон Республикаси Бош бошқармасига (Алланиязов):

2018 йилга тасдиқланган инвестиция лойихалари доирасида назарда тутилган янги ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан олдин ишга тушириш ва лойиха қувватига чиқиш, янги бозорларни эгаллаш ва хорижий харидорлар билан шартномалар тузиш масалаларига алохида эътибор қаратилсин.

8. Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимлари **бир ҳафта муддатда**:

- ҳудудий экспорт ҳажмини камида 30 фоизга ошириш бўйича алоҳида қарор қабул қилсин ва ижросини кундалик назоратга олсин;

- ҳар бир экспортёр корхона юзасидан унинг экспорт салоҳиятини ошириш, мавжуд муаммоларини бартараф этиш ва қўшимча экспорт захираларини аниқлаш бўйича "Йўл харитаси" тузилиши таъминланиб, уларнинг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилсин.

9. Вазирлар Кенгашининг ўринбосарларига, вазирликлар, идоралар ва компаниялар раҳбарлари **бир ҳафта муддатда** экспорт ҳажмини **30 фоизга ошириш юзасидан** ҳар бир комплекс кесимида **"йўл харита"**ларини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига киритсин.

10. Экспортни ташкил этиш бўйича Ишчи гуруҳ раҳбарлари ва аъзолари, ҳудудларда ўтган йилда 2018 йил ҳосили учун экилган август пиёзи, саримсоқпиёз, тўксонбости экинлар ҳосилини ўз вақтида ва тўлик йиғиб олиш, уларнинг экспорт қилиш ишларини алоҳида назоратга олсин.

11. Туманлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари билан биргаликда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган ҳудудларнинг салоҳиятидан тўлик фойдаланиш, жорий йилда пахта ва ғалладан бўшатилаётган қўшимча ер майдонлари, шунингдек мавжуд боғ ва

токзорлар орасидаги ер майдонларига сердаромад экспортбоп экинлар экишни таъминласин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Иктисодиёт вазирлиги (Қаипбергенов), Нукус шаҳри, туманлар ҳокимлари ва Божхона бошкармаси (Файзуллаев) **15 кун муддатда** жойлардан тегишли раҳбарлар ва тадбиркорларни олиб келиб, Зангиота туманида ташкил этилган логистика марказини кўрсатган ҳолда, жорий йилда барча ҳудудларда давлат-хусусий шериклик тамойили асосида замонавий, йирик логистика марказлари барпо этиш бўйича аниқ **"йўл хариталари"**ни тасдиқласин ва ижросини таъминласин.

13. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси худудий бошқармаси (Баекеев) **икки ой муддатда** республикада фаолият юритаётган ҳар бир ишлаб-чиқарувчи экспортёр корхоналар тўғрисидаги электрон ахборотлар базасини шакллантириш ва уни доимий янгилаб боришини таъминлаш чораларини кўрсин.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (Хабибуллаев), Туризмни ривожлантириш бошқармаси (Кусекеев) ва мутасадди раҳбарлар туризм соҳасини ривожлантиришга шахсан жавобгар эканликлари белгилансин.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (Хабибуллаев), Маданият вазирлиги (Айтмуратов), Туризмни ривожлантириш бошқармаси (Кусекеев) билан биргаликда **бир ой муддатда** туристлар борадиган барча объектларга турникет орқали ва тўлов асосида кириш тизимини жорий қилсин.

16. Ушбу баён бандлари ва уларга мувофиқ қабул қилинган ҳужжатлар ижроси юзасидан вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари **ҳар ойнинг 6 санасигача** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига батафсил ахборот киритиб борсин.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгашининг Раиси** **К.Сариев**

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгашининг**
**2018 йил __ мартдаги**
**____-сонли қарорига**
**1-илова**

**Қорақалпоғистон Республикасида экспорт салоҳиятини ошириш, уни кенгайтириш, маҳаллий корхоналарнинг сифатли ва сертификатланган маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш учун ягона миллий брендни шакллантириш ҳамда экспортёр ташкилотлар фаолиятида юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича**
**ИШЧИ ГУРУҲ ТАРКИБИ**

| № | Ф.И.О. | | Лавозими |
|---|---|---|---|
| 1 | К.Сариев | - | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, **Ишчи гуруҳ раҳбари** |
| 2 | А.Тажетдинов | - | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, **Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари** |
| 3 | С.Хожаметов | - | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, **Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари** |
| 4 | З.Ережепов | - | Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг биринчи ўринбосари, **Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари** *(келишув билан)* |
| **Ишчи гуруҳ аъзолари:** | | | |
| 5 | Б.Хабибуллаев | - | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари |
| 6 | Р.Халмуратов | - | Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг иқтисодий қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи |
| 7 | Н.Собиров | - | Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи в.в.б. |
| 8 | Ж.Садиков | - | Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги |
| 9 | А.Қайипбергенов | - | Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазири ўринбосари |
| 10 | А.Аминов | - | Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари |
| 11 | Ш.Оспанов | - | Қорақалпоғистон Республикаси Статистика бошқармаси бошлиғи |
| 12 | Х.Файзуллаев | - | Қорақалпоғистон Республикаси Божхона бошқармаси бошлиғи |
| 13 | К.Садиков | - | Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар бўйича қўмитаси раиси |
| 14 | Р.Зарикеев | - | Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи |
| 15 | Б.Алланиязов | - | Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси Бош бошқармаси бошлиғи |
| 16 | Лавозими бўйича | - | Тижорат банк филиаллари бошлиқлари |
| 17 | Б.Курбанов | - | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича гуруҳ бошлиғи |
| 18 | О.Уразимбетов | - | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича котибият бошлиғи в.в.б. |
| 19 | Лавозими бўйича | - | "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикасидаги вакили |
| 20 | А.Сапарбаев | - | Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи |
| 21 | Т.Султанов | - | Қорақалпоғистон Республикаси Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи |
| 22 | У.Исмайлов | - | Қорақалпоғистон Республикаси Стандартлаштириш агентлиги бошлиғи |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 23 | А.Сапаров | - | "Ўздавкарантин" инспекциясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошлиғи |
| 24 | Ш.Шинибаев | - | Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикасидаги вакили |
| 25 | Ж.Бердимуратова | - | «Қорақалпоқ экспертиза» бошлиғи |
| 26 | В.Жоллыбеков | - | Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикасидаги вакили, **Ишчи гуруҳ котиби** |

***Изоҳ:*** *Ишчи аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юклатилган шахслар киритилади.*

*Заруриятга қараб Ишчи гуруҳига юклатилган вазифаларни сифатли ва самарали ҳал этилишини таъминлаш учун унинг фаолиятига мутасадди вазирлик, идоралар, Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари 4 та сектор раҳбарлари ва мутахассислари жалб этилиши мумкин.*

**Вазирлар Кенгашининг**
**2018 йил "__" мартдаги**
**____-сонли қарорига**
**1а-илова**

**Қорақалпоғистон Республикасида экспорт салоҳиятини ошириш, уни кенгайтириш, маҳаллий корхоналарнинг сифатли ва сертификатланган маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш учун ягона миллий брендни шакллантириш ҳамда экспортёр ташкилотлар фаолиятида юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича**
**Ишчи гуруҳининг Нукус шаҳри ва туманларга масъул этиб**
**Б И Р И К Т И Р И Л И Ш И**

| № | Шаҳар ва туманлар номи | Нукус шаҳри ва туманларга бириктирилган вазирлик ва ташкилотлар | | Нукус шаҳри ва туманларга бириктирилган тижорат банклари | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Ф.И.Ш | лавозими | Ф.И.Ш | лавозими |
| 1 | Нукус шаҳри | Р.Халмуратов | Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг иктисодий конунчилик ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи | Б.Абдикаипбаров | ДАТ "Асака банк"нинг КР филиали бошлиғи ўринбосари |
| | | Н.Собиров | Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг қишлоқ хўжалиги соҳасида конунчилик ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи в.б. | | |
| 2 | Тахиатош тумани | В.Жоллыбеков | Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикасидаги вакили | К.Бердимбетов | АТБ "Саноат қурилиш банк"нинг КР минтақавий филиали бошлиғи ўринбосари |
| 3 | Мўйнок тумани | Х.Файзуллаев | Қорақалпоғистон Республикаси Божхона бошқармаси бошлиғи | М.Матмуратов | АТБ "Капитал банк"нинг КР филиали бошлиғи |
| 4 | Қўнғирот тумани | Р.Зарикеев | Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари | Б.Мамбетов | АТБ "Саноат қурилиш банк"нинг КР минтақавий филиали бошлиғи |
| 5 | Қонликўл тумани | Ш.Оспанов | Қорақалпоғистон Республикаси Статистика бошқармаси бошлиғи | А.Утегенов | АТБ "Ипотека банк"нинг КР филиали бошлиғи |
| 6 | Шўманой тумани | Т.Султанов | Қорақалпоғистон Республикаси Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи | Б.Утегенов | "Турон банк"нинг Нукус филиали бошлиғи |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 7 | Тўрткўл тумани | Ж.Садиков | Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири | Қ.Тлемуратов | ТИФ "Миллий банк"нинг ҚР филиали бошлиғи |
| 8 | Беруний тумани | Қ.Пирназаров | "Ўзбекозиковкатхолдинг" ХКнинг ҚР вакили | Қ.Хожанов | АТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг ҚР Минтақавий филиали бошлиғи |
| | | Лавозими бўйича | "Ўзтўқимачиликсаноат" ХКнинг ҚР вакили | | |
| 9 | Элликқальа тумани | А.Қайпбергенов | Қорақалпоғистон Республикаси Иктисодиёт вазирининг ўринбосари | А.Садиков | АТБ "Халқ банк"нинг ҚР филиали бошлиғи ўринбосари |
| 10 | Амударё тумани | А.Давлетбаев | Қишлоқ хўжалик корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикасидаги вакили | Р.Утамбетов | АТБ "Микрокредит банк"нинг ҚР филиали бошлиғи |
| | | Ж.Бердимуратова | "Қорақалпо экспертизаси" корхонаси бошлиғи | | |
| 11 | Хўжайли тумани | А.Сапаров | "Ўздавкарантин" инспекцияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошлиғи | Ж.Балтабаев | "Агро банк"нинг ҚР бошқармаси бошлиғи |
| 12 | Нукус тумани | А.Сапарбаев | Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи | М.Тажетдинов | АТБ "Инфин банк"нинг ҚР филиали бошлиғи |
| | | | | Б.Генжебаев | АТБ "Халқ банк"нинг ҚР филиали бошлиғи ўринбосари |
| 13 | Кегейли тумани | У.Исмоилов | Қорақалпоғистон Республикаси Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи | Б.Китайбеков | ДАТ "Асака банк"нинг ҚР филиали бошлиғи |
| 14 | Чимбой тумани | Ш.Шинибаев | Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ҚР вакили | К.Аметов | АТБ "Хамкор банк"нинг ҚР филиали бошлиғи |
| 15 | Қораўзак тумани | А.Аминов | Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари | О.Қосжанов | АТБ "Алоқа банк"нинг ҚР филиали бошлиғи |
| 16 | Тахтакўпир тумани | Б.Алланиязов | Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси Бош бошқармаси бошлиғи | С.Жолдасбаев | АТБ "Агро банк"нинг ҚР бошқармаси бошлиғи ўринбосари |



**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгашининг**
**2018 йил "__" мартдаги**
**____-сонли қарорига**
**2-илова**

**Қорақалпоғистон Республикасида экспорт салоҳиятини ошириш, уни кенгайтириш, маҳаллий корхоналарнинг сифатли ва сертификатланган маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш учун ягона миллий брендни шакллантириш ҳамда экспортёр ташкилотлар фаолиятида юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича Ишчи гуруҳ таркибининг жойларда учрашув ўтказиш**

**Г Р А Ф И Г И**

| т/р | Туманлар номи | 2018 йил март ойида | | | | 2018 йил апрель-декабрь ойларида | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 23 сана | 24 сана | 26 сана | 27 сана | 7 сана | 14 сана | 21 сана | 28 сана |
| 1 | Шўманой тумани | | | | | | | | |
| 2 | Қўнғирот тумани | ■ | | | | ■ | | | |
| 3 | Қўнғирот тумани | ■ | | | | ■ | | | |
| 4 | Мўйноқ тумани | | | | | | | | |
| 5 | Кегейли тумани | | | | | | | | |
| 6 | Чимбой тумани | | ■ | | | | ■ | | |
| 7 | Қораўзак тумани | | ■ | | | | ■ | | |
| 8 | Тахтакўпир тумани | | | | | | | | |
| 9 | Амударё тумани | | | | | | | | |
| 10 | Беруний тумани | | | ■ | | | | ■ | |
| 11 | Элликқальа тумани | | | ■ | | | | ■ | |
| 12 | Тўрткўл тумани | | | | | | | | |
| 13 | Хўжайли тумани | | | | | | | | |
| 14 | Тахиатош тумани | | | | ■ | | | | ■ |
| 15 | Нукус тумани | | | | ■ | | | | ■ |
| 16 | Нукус шаҳри | | | | | | | | |

*Изоҳ: Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари жойларда белгиланган муддатларда ўтказиладиган учрашувга пухта тайёргарлик кўриб, тегишли вазирликлар, идоралар, ташкилотлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорларнинг фаол қатнашишини таъминлаш сўралади.*